

“АРТ ФАРФОР” МЧЖ завод мутассадилари ҳамда соҳа мутахассислари билан ҳамкорликда хорижий тажрибаси ўрганиш, хусусан Туркия Республикаси фарфор-фаянс саноати билан танишиш мақсадида 2022 йил 3-8 октябр кунлари Туркиянинг Истамбул ва Измир шаҳарларига хорижий хизмат сафари юзасидан “Силикат материаллар, нодир ва камёб металллар технологияси” кафедраси мудири, проф. Арипова Маастура Хикматовнани

ҲИСОБОТИ

ЎзР 2022-2026 йилларда ривожлантириш бўйича Тараққиёт стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, ЎзР Президентининг 05.06.2018 йилдаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сон қарорининг тегишли бандлари, ҳамда ЎзР Бош вазирининг ўринбосари - Инвестициялар ва ташқи савдо вазири томонидан 2022-йил 27-августда тасдиқланган 04/1-1656 сонли “2022-2026 йилларда каолин ва бошқа хомашё захираларидан самарали фойдаланиш ҳамда фарфор-фаянс маҳсулотлари тармоғини ривожлантириш дастури” да белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида “АРТ ФАРФОР” МЧЖ завод мутассадилари ҳамда соҳа мутахассислари билан ҳамкорликда хорижий тажриба ўрганиш мақсадида 3-8 октябр кунлари Туркия Республикаси фарфор-фаянс саноати билан танишиш учун Кутахья шаҳрига хизмат сафари ташкил этилди.





Кутахья ш. “Porselen” чинни ишлаб чиқариш корхонасига ташриф.

Ташриф давомида “Porselen” корхонасида чинни махсулотлар технологик ишлаб чиқариш тизими билан яқиндан танишилди, шунда технологик линия Германиядан олиб келинган бўлиб, чинни ишлаб чиқариш учун тўлиқ Германиянинг хом ашё материаллари қўлланилиши аниқланди. Чиннинг инновацион ишлаб чиқариш тизимлари билан танишилди, Туркиянинг ва Тошкент чинни заводи билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди.

Туркиядан чинни ишлаб чиқариш ва ўзаро таркибларни солиштириш мақсадида, керамик массани тааркибини ўрганиш учун намуналар олиб келинди, hozirgi вақтда таркиблар ўрганиш жараёнида.

Умуман олганда ишлаб чиқариш корхоналари ва ТКТИ жамоасининг Туркия Республикасига бўлган хизмат сафарлари самарали ва сермахсул бўлди. Сафар натижасида корхоналар ўртасида ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди. Туркиянинг Кутахья “Porselen” чинни ишлаб чиқариш корхонаси раҳбарияти Ўзбекистон чинни ишлаб чиқариш билан яқиндан танишиш мақсадида Тошкент шаҳрига 17 октябр куни ташрифи режа қилинди.

Арипова Мастура Хикматовна

“Силикат материаллар ва нодир,

камёб металллар технологияси”

кафедраси мудири, т.ф.д., проф.

.....